Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**09.12.2022 даги**

**ООО OMADLI XAMKORLAR SAVDO FAYZ ва Вилоят Асаб ва руҳий касалликлар диспансери ўртасида 11550000,00 сўм умумий суммага тузилган 20 - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 054

Шахсий ғазна ҳисобварақ 401321860244017073201054009

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4354920 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | 11 550 000,00 | | | 11 550 000,00 |
| **Жами йил бўйича** | **11 550 000,00** | | | **11 550 000,00** |

Жами 11550000,00 сўм Ўн бир миллион беш юз эллик минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан 11550000,00 сўм ёки 100,00%*** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ ______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади)

Буюртмачи раҳбари ______________ Хашимов Хусан Ачилович
(имзо) Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ______________ Азимов Д. Д.
(имзо) Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими кабул килди ______________
(имзо)

«___» ______________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул килди ______________
(имзо)

«___» ______________ 20___й.

№ 20 - сонли шартнома

Гулистон ш.
(контракт тузилган жой)

« 09 » 12 2022 й.
(контракт тузилган сана)

Бундан буён **«БУЮРТМАЧИ»** деб аталувчи Вилоят Асаб ва рухий касалликлар диспансери номидан устав асосида фаолият олиб борувчи рахбар **Х.Хошимов** бир томондан ва бундан буён **« ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ »** деб аталувчи **"OMADLI HAMKORLAR SAVDO FAYZ" MCHJ** номидан **НИЗОМ** асосида фаолият олиб борувчи рахбар Носиров С бошка томондан, ушбу контрактни куйидагилар тугрисида туздилар:

## 1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу контрактга асосан **Буюртмачи** товарни кабул килади ва тулайди,**Етказиб** берувчи эса куйидаги шартларга мувофик етказиб беради.

| | Товарларнинг номи | Улч. бирл. | Микдори | Бирлик учун контракт нархи | Контрактнинг умумий киймати (битим суммаси) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Принтер Canon 2900 | дона | 1 | 2550 000 | 2550 000 |
| 2 | Принтер Canon «3 в 1» печать, копирование и сканирование копирования документов | дона | 2 | 4500 000 | 9000 000 |
| | Жами: | x | x | x | **11 550 000** |

Контрактнинг умумий суммаси **(Ўн бир миллион беш юз эллик минг )** сўмни ташкил килади (ККС билан ёки ККС сиз).

## 2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ

2.1. «Буюртмачи» мазкур контрактни газначилик булинмасида руйхатга олинган кундан бошлаб 10 календар куни ичида конунчиликка мувофик, контракт умумий суммасидан 30 % микдорида (шартнома суммасидан 30% микдорида) олдиндан тулаш мажбуриятини олади,, колган 70% ни товарни олгандан сунг 30 календар куни ичида кабул килиш-топшириш далолатномаси, хисоб-фактура ва в.б.асосида тулайди.

2.2. «Етказиб берувчи» аванс маблаглари Етказиб берувчининг тегишли хисоб-варагига келиб тушган вактдан бошлаб 5 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. «Етказиб берувчи» амалдаги ГОСТ га мувофик товарни етказиб бериши шарт.

2.4. «Буюртмачи» товарларни кабул килишда «Етказиб берувчи» иштирокида олинаётган товарларнинг туликлигини ва сифатини савдоларни утказиш тугрисидаги эълонда (буюртманомада) кузда тутилган бошка талабларга мувофиклигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур контракт билан бошка холлар кузда тутилмаган булса, товарларни ташиш ва тушириш буйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кура товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома буйича кабул килинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати курсатилади.

2.8. Мазкур контрактда кузда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофик амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг хукуклари: Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур булган давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлаш талаб килиш; Буюртмачи хисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коплаб беришни талаб килиш, агар мазкур контрактнинг шартларида бошка холлар белгиланмаган булса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кура мазкур контрактга мувофик, тегишли сифат, ассортимент буйича товарларни етказиб беришни талаб килиш; Сифатсиз товар етказиб берилганда уз ихтиёрига кура куйидагилардан бирини талаб килиш:

- тегишли сифатдаги шунга ухшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни бегараз бартараф этиш;
- Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни коплаб беришни талаб килиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари: - мазкур контрактга мувофик узининг жойлаштирган буюртманомаси буйича етказиб берилган товарларни кабул килиш;

- товарларнинг кийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тулаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги хукукларга эга: - «Буюртмачидан» олдиндан тулов ва етказиб берилган товарлар учун якуний хисоб-китобларни Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида кузда тутилган тартибда ва хажмларда амалга оширишни талаб килиш;

- Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофик, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда кабул килмаслик натижасида етказилган зарарларникоплаб беришни талаб килиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:- Буюртмачига товарларни мазкур контрактга мувофик белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш; - агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва / ёки Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигидан четга чикишга йук куйган холларда Буюртмачининг талаби буйича 3-кун муддат ичида барча аникланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Узбекистон Республикаси амалдаги конунчилигига мувофик ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган такдирда контракт бажарилган хисобланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Буюртмачи:- савдоларни утказиш учун такдим этилган хужжатларнинг ишончлилиги ва Узбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига мувофиклиги; савдолар голиби булган етказиб берувчи билан контракт тузиш ёки савдолар голиби булган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблаглари камайиши холатлари бундан мустасно); - томонлар уртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети буйича эълонлар ва техник хужжатларнинг асл нусхалари сакланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (уз муддатида олинмаган) товарлар кийматининг 5% микдорида, тез бузиладиган товарлар буйича эса – 10 % микдорида жарима тулайди. Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) холларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташкари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини такдим этган холда, танлаб олинмаган (уз муддатида олинмаган) товарлар киймати туланишини талаб килишга хаклидир.

4.3. Тулов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки кисман рад этганлик, шунингдек хисоб – китобнинг бошка шаклларида товарлар хакини тулашдан бош тортганлик (банк муассасасига тулов топширикномасини такдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни такдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига узи тулашни рад этган ёки бош тортганumманинг 15 % микдорида жарима тулайди.Етказиб берилган товарлар хакини уз вактида туламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига утказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 % микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 %дан ортик булмаган микдорида пеня тулайди.

4.4. Етказиб берувчи :- савдоларда катнашиш учун такдим этилган хужжатларнинг ишончлилиги; - микдор,сифат,техник параметрлар,шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи буйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиклиги; - савдолар шартларининг бошка бузилишлари;- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати,ассортимент ива нави буйича стандартлар, техник шартлар,намуналарга (эталонларга) конун хужжатларида ёки хужалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса,сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни кабул килиш хамда уларнинг хакини тулашни рад этиб,етказиб берувчидан сифати,ассортименти ва нави лозим даражадабулмаган товарлар кийматининг 20 % микдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар хаки тулаб куйилган булса, туланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб килишга хаклидир. Сифати,ассортимент ива нави лозим даражада булмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тулик етказиб берилмаган, товар етказиб беруувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,% микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар,бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар бахосининг 50% дан ошибкетмаслиги лозим. Пеняни тулаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш,тулик етказиб бермаслик,окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси куйилмаган ёки лозим даражада маркировка килинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки уралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада уралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 % микдорида жарима тулайди.Товарлар кабул килингандан кейин яна жунатилиши ёки сакланиши керак булган холларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташкари, уз кучи билан, лекин етказиб берувчи хисобидан товарларни урашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шахардаги етказиб берувчидан товарларни ураб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб килишга хаклидир.

## 5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

5.1. Келишмовчиликлар ва бахслар келиб чиккан такдирда, томонлар,коидага кура, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини курадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва бахсларни хал этиш учун бевосита иктисодий судига мурожаат килишга хаклидир.

5.3. Томонлар иктисодий судига мурожаат килган такдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида куриб чикилади.

## 6. ФОРС - МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги холатлари енгиб булмайдиган кучлар (форс-
тулик етказиб бериладиган махсулот киймати (бахоси) Молия Вазирлигининг Узбекистон Республикаси худудларида ташкилотлар уртасида (тендер) танлов утказиш тугрисидаги карорига асосан утказиладиган (тендер) нархлари буйича маълумотига асосан мувофиклаштирилади.

6.2. Сотиб олувчи томонидан олинган махсулотларнинг киймати шартноманинг 3.1. бандида курсатилган муддатларда тулланмаса, махсулот етказиб берувчи махсулотини етказиб беришни тухтатади.

## 7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. Томонлар «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий хукукий базаси тугрисида» ги Узбекистон Республикаси конунининг 24-35 моддаларига асосан шартнома мажбуриятини бузганлиги учун жавобгар буладилар.

7.2. Шартнома хар икки томон имзоланган ва мухр босиб тасдикланган тартибда узгартириши мумкин.

7.3. Шартнома буйича вужудга келган келишмовчиликлар амалдаги конунларга асосан иктисодий суди оркали хал килинади.

7.4. Шартнома имзоланган кундан бошлаб то 2022 йил « 31» декабргача амалда булади.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУКИЙ МАНЗИЛИ:

**Буюртмачи:**

Вилоят Асаб ва рухий касалликлар
диспансери Гулистон ш. Хондамир-19
ш/хр 401321860244017073201054009
Сирдарёвилоятибуйичагазначилик
бошкармаси. ИНН: 200322550
ХХТУТ: 91513 МФО: 00014
х/р 23402000300100001010
МБ Тошкент ш ББ ХККМ ИНН: 201122919

Бош шифокор: __________ Х.О.Хошимов

М.Ў.

**Етказиб берувчи:**

**"OMADLI HAMKORLAR SAVDO FAYZ" MCHJ**
Манзили: Гулистон ш. Намуна МФЙ Бунёдкор куч-142
Х/р: 20208000705132345001
ИНН: 306784563
МФО: 00855
Банк: Гулистон ш. "УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНК"
АТБ СИРДАРЁ МИНТАКАВИЙ ФИЛИАЛИ

Рахбар: __________ Носиров.С

М.Ў.

"TASDIQLAYMAN"
Sirdaryo viloyati Asab va ruxiy kasalliklar
dispanseri bosh shifokori
X.Xoshimov
«09» 12 2022 yil

Sirdaryo viloyat Asab va ruxiy kasalliklar dispanserini tanlash komissiyasining majlisi
**BAYONNOMASI**
№ 6

09 dekabr 2022 yil Guliston sh.

Dispanserning 2022 yil 07-yanvardagi 5 i/ch-sonli buyrug'iga asosan tuzilgan tanlash komissiyasining qo'yidagi a'zolari qatnashdi:

| | |
|---|---|
| Komissiya raisi:<br>Bosh shifokor | X.Xoshimov |
| Kotibi:<br>Dispanser xujalik bekasi | M.Xudoyqulova |
| Tanlov savdosi komissiya a'zolari:<br>Dispanser bosh xisobchisi | D.Azimov |
| Shifoxonaning ombor mudiri | L.Donishov |
| Shifoxonaning dorixona mudiri | O.Raxmatov |
| Shifoxonaning xujalik mudiri | D.Bekmuratov |

## KUN TARTIBI:

Sirdaryo viloyat Asab va ruxiy kasalliklar dispanseriga printerlar sotib olish uchun etkazib beruvchi firmalarni tanlash to'g'risida.

Yig'ilishni tanlov xay'ati raisi X.Xoshimov ochib Sirdaryo viloyat Asab va ruxiy kasalliklar dispanseriga sifatli printerlar sotib olish uchun etkazib beruvchi firmalarni tanlab olinishi lozimligini bildirdi. Sh.Xajimuratov so'z olib Sirdaryo viloyati Asab va ruxiy kasalliklar dispanseriga printerlar etkazib beruvchi firmalarni tanlash maqsadida buyurtmachi tomonidan dxarid.uzex.uz saytiga 2022-yil 06 dekabrdagi 22110012199091-sonli LOT bilan xizmatlar qiymati boshlang'ich narxi 11 700 000 so'm, bajarish muddati 7 kunga e'lon berilganligini va ushbu e'lon asosida printerlar sotib olish uchun quyidagi tashkilotlar

"OMADLI HAMKORLAR SAVDO FAYZ" MCHJ 7 kunda 11 550 000 so'mga (QQS siz),
" RASULOVA ASALXON MUZRABOVNA " YTT 7 kunda 11 670 000 so'mga (QQS siz),
" ANDROMEDA BIZNES TRADE " MCHJ 7 kunda 11 200 000 so'mga (QQS siz),

o'z takliflarini taqdim etilganligini bayon qildi.

Komissiya a'zolari tomonidan bir ovozdan Sirdaryo viloyat Asab va ruxiy kasalliklar dispanseriga printerlar etkazib beruvchilar ta'nlov ishtirokchisi "OMADLI HAMKORLAR SAVDO FAYZ" MCHJ tomonidan berilgan taklif boshqa tanlo'v qatnashchilari tomonidan berilgan takliflarga nisbatan ma'sulyat bilan belgilangan bayonnomaga asosan o'z vaqtida sifatli bajarilishini inobatga olgan xolda eng maqbul taklif bo'lganligi sababli "OMADLI HAMKORLAR SAVDO FAYZ" MCHJni tanlash maqsadga muvofiqligini bildirdilar.

O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunining (O'RQ-684-son, 22.04.2021y) 23-moddasiga ko'ra, ishtirokchi va uning kafillangan shaxsi mazkur lot(lar)da ishtirok etmayapti.

Ushbu 22110012199091-sonli lot raqami bo'yicha Sirdaryo viloyat Asab va ruxiy kasalliklar dispanserining kompaniyasi tomonidan tasdiqlangan tanlash bayonnomasi yuzasidan xech qanday e'tiroz yoki noroziliklar yuzaga kelmadi.

O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida" 2021 yil 24 apreldagi O'RQ-684-sonli qonuniga asosan tanlash komissiyasi

QAROR QILADI:

1. "OMADLI HAMKORLAR SAVDO FAYZ" MCHJ, " RASULOVA ASALXON MUZRABOVNA " YTT , " ANDROMEDA BIZNES TRADE " MCHJ tomonidan e'lon asosida taqdim etilgan takliflari ma'lumot uchun qabul qilinsin.

3. Sirdaryo viloyat Asab va ruxiy kasalliklar dispanserining printerlar sotib olish uchun etkazib beruvchi va ta'nlov ishtirokchisi "OMADLI HAMKORLAR SAVDO FAYZ"MCHJ taklifi eng maqbul taklif deb topilsin va tanlash g'olibi deb e'lon qilinsin.

4. Sirdaryo viloyat Asab va ruxiy kasalliklar dispanserini bilan "OMADLI HAMKORLAR SAVDO FAYZ" MCHJ o'rtasida qiymati QQS siz **11 550 000** so'm xizmatlarni bajarish muddati 7 kunga shartnoma tuzilsin.

Imzolar:

| | |
|---|---|
| **Tanlov komissiya raisi:** | **X.Xoshimov** |
| **Komissiya a'zolari:** | **D.Azimov** |
| | **L.Donishov** |
| | **O.Raxmatov** |
| | **D.Bekmuratov** |
| **Komissiya kotibi:** | **Sh.Xajimuratov** |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SIRDARYO VILOYATI GULISTON SHAHAR «OMADLI HAMKORLAR SAVDO FAYZ» MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI «09» 12 2022 YIL № 20

# ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ

"OMADLI HAMKORLAR SAVDO FAYZ" MCHJ Сизга қуйидаги нархларда товар махсулотларини сотиб олишни таклиф қилади.

| Т/Р | Махсулот турлари | Ул.бир | Миқдори | Етказиб бериш нархи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Принтер Canon 2900 | дона | 1 | 2550000 |
| 2 | Принтер Canon «3 в 1» печать, копирование и сканирование копирования документов | дона | 2 | 9000000 |

"OMADLI HAMKORLAR SAVDO FAYZ"
MCHJ рахбари: Носиров С.

2513362

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"OMADLI HAMKORLAR SAVDO FAYZ" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"OMADLI HAMKORLAR SAVDO FAYZ" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

15.10.2019 770681 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306784563

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, Na'muna MFY, Nosir Zokirov ko'chasi, 142-uy,

Guvohnoma: Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)